

Ishonch

0'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri



ТИНЧЛИК ВА ТУТУВЛИК ТАРАННУМИ

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон қасаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги ҳамда 30 июль – Халқлар дўстлиги куни муносабати билан қардош давлатлар қасаба уюшмалари вакиллари иштирокида «Дўстлик» фестивали ўтказилди

2-саҳифада ўқинг...

4

ИНТИЗОМИЙ ЖАЗО
БЕКОР ҚИЛИНДИ

■ КАСАБА УЮШМАСИ АРАЛАШГАЧ...

Расулбек АЛЛАБЕРГАНОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари
касаба уюшмаси
Республика кенгашининг
Хоразм вилояти бўйича меҳнат
ҳуқуқ инспектори

**Ўзбекистон қасаба
уюшмалари Федерациясида
қуну тун фаолият қўрсатадиган**

1211 рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»ra

**мамлакатимизнинг турли
ҳудудларида, олис ва чекка
қишлоқларида
яшаётган хотин-қизлар
ўз муаммолари бўйича
исталган вақтда мурожаат
қилишлари мумкин.**



<https://t.me/ishonchuz> official



ТИНЧЛИК ВА ТУТУВЛИК ТАРАННУМИ

■ ФЕСТИВАЛЬ

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги ҳамда 30 июль – Халқлар дўстлиги куни муносабати билан қардош давлатлар касаба уюшмалари вакиллари иштирокида «Дўстлик» фестивали ўтказилди



Ўхшаиш маданиятимиз, ўхшаиш тарихимиз бор



Гулшерин
ГЕЛДИМУРАДОВА,
фестиваль
иштирокчиси
(Туркменистон):

— Юртингизга иккинчи бор келишим. Иккала сафар ҳам ўзбекларнинг меҳмондўстлиги ва самимий меҳрини ҳис этдим. Ўзбекистон санъат музейига ташриф буюрганимизда Туркменистон ҳудудларига оид турли экспонатларни ҳам томоша қилдик. Ўзбек миллий тақинчоқлари, кийимлари эса бизникига жуда ўхшар экан. Бу бизни жуда қувонтиради. Ўхшаиш маданиятимиз, ўхшаиш тарихимиз борлиги фахр туйғусини беради. Дўстлик фестивали эса, кўшни халқларнинг ўзаро алоқалари мустақамлигини, бир-бирларига нисбатан ҳар доим ҳурматда эканини кўрсатади.

Бир-биримизга меҳр улашдик



Мобил МАМЕДОВ,
фестиваль
иштирокчиси
(Озарбайжон):

— Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди. Улар она тилларида эркин гаплаша олишади, ўз динларига эътиқод қилишади. Мен болалигимда буюмдан «Нега ўзбек халқини бунчалик яхши кўрамыз?» дея сўраганимда, «Бизнинг тилимиз, дилимиз бир. Қолаверса, улар жуда меҳмондўст халқ. Шу боис биз уларни қардош деймиз», деб жавоб бергандирлар.

Фестиваль туфайли мен ана шу туйғунини, буюмнинг эътирофларини юракдан ҳис қилдим. Гарчи илгари бир-биримизни кўрмаган бўлсак-да, қардошларимиз билан диллашдик, бир-биримизга меҳр улашдик.

Янада яқинликни ҳис қилдим



Аққиз АБАСБЕКОВА,
фестиваль
иштирокчиси
(Қирғизистон):

— Келган кунимиздан бошлаб кайфиятимиз аъло даражада бўлди. Тилимиз, маданиятимиз, динимиз бирлигини, бизни бирлаштириб турган жиҳатлар борлигини сездим. Тошкентни саёҳат қилиш чоғида автобусда қардошларимиз билан бирга қўшиқ кўйлаб, рақсга тушдик. Бир-биримиз билан опа-сингил, ака-укадек бўлиб кетдик. Янада яқинликни ҳис қилдик.

Гўзал анжуман учун ташаккур



Бауржан АЛТЕЕВ,
фестиваль
иштирокчиси
(Қозоғистон):

— Касаба уюшмалари – меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимоячиси. Биз бу ерга бир-биримиз билан фикр алмашиб, юракдан суҳбатлашиб учун йиғилдик. Кимда қандай тажриба бўлса, ўртоқлашди. Бу имконни бизга тақдим этган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига катта раҳмат! Қардош халқларни бир жамоага бирлаштириб, дўстликни мустаҳкамлаб, яхшилик қилишга бел боғлаб шундай гўзал анжуманни ташкил этгани бизни жуда қувонтирди.

Дўстлигимиз янада кучаяди



Севвал МАЛКОС,
фестиваль
иштирокчиси
(Туркия):

— Ўзбекистонда бизни жуда илқ кутиб олишди. Бунинг учун, аввало, ташкилотчилардан миннатдоримиз. Касаба уюшмалари вакиллари ҳам, жамоа ҳам ниҳоятда меҳрибон ва меҳмондўст экан. Ўзбекистоннинг гўзаллигини кўриб, нега аввалроқ келмаганман, деб ўйладим. Бу юрт аслида бизга қардош давлат эканини яхши билмагандим. Энди эса нафақат маданиятларимиз ўхшаишлигини, балки жуда кўп умумий жиҳатларимиз борлигини англадим.

Эт билан тирноқ каби



Қобилжон КОМИЛЗОДА,
фестиваль
иштирокчиси
(Тожикистон):

— Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Тожикистон давлатларининг иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалари янада мустаҳкамланмоқда. Мамлакатларимиз Президентлари дўстлик учрашувларини ўтказмоқдалар. Биз ташрифимиз чоғида Алишер Навоий ҳайкали пойига гулдаста қўйдик. Душанбе шаҳрида ҳам Ҳазрат Навоий ва Жомий ҳайкаллари бор. Чунки бизнинг адабиётимиз бир. Бундан кўриниб турибдики, маданиятлари ўхшаиш икки давлат гўёки эт билан тирноқ кабир.



Саҳифани «Ishonch»
муҳбирлари Диёра РАВШАНОВА,
Қувончбек ТУРАЕВ, Эъзоза
УМУРЗОҚОВА ва Мирнодир
МИРАКМАЛОВлар тайёрлади.

Сизга тавсия
этамиз!

QR кодни
сканер
қилинг ва

«Ishonch»нинг
Telegram

каналида
мавзуга доир
видеолавҳани
томоша қилинг.



■ ЕТАКЧИ ФИКРИ

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТИЗИМИДА
ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАНИМГА 5 ЙИЛ
БЎЛДИ. ШУ ДАВР МОБАЙНИДА ҲАР
БИР КУННИ БИТТА САВОЛ БИЛАН
ЯКУНЛАГАНМАН: «ХЎШ, БУГУН
КИМГАДИР ЯХШИЛИК
ҚИЛДИММИ?»

«БУГУН КИМГАДИР
ЯХШИЛИК
ҚИЛДИММИ?»

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар марказида инсон манфаатлари туради. Ана шу буюқ гоёга оз бўлса-да ҳисса қўишни, касаба уюшмаси раиси сифатидаги асосий мақсадим десам, муболага бўлмайди.

Айни пайтда Давлат муассасалари ва жамоат ҳизмати ходимлари касаба уюшмаси Шеробод тумани кенгашида 9 та бошланғич ташкилот фаолият юритмоқда. Аъзолар сони 200 нафар бўлиб, шундан 70 нафари хотин-қиз, 35 нафари ёшлардир. Бу фақат рақам эмас, бу 200 умид, 200 орзу ва хаёл дегандир. Ҳар бир аъзонинг ўз ҳаёти, ўз оиласи, ўз муаммолари ва севинчлари бор.

Демак, вазифамизга шу нуқтаи назардан ёндашишимиз керак. Меҳнат кодексига белгиланган вазифалар, ходимларга берилган имтиёзлар шунчаки қоғозларда қолиб кетмаслиги жоиз. Масалан, йилда икки марта тиббий кўрикдан ўтиш ҳуқуқи — уларнинг соғлиғи учун ғамхўрлик. Қўшимча таътил кунлари — оиласи билан кўпроқ вақт ўтказиш имкони. Моддий ёрдам — синовли кунларда қўллов.

Ижтимоий шериклик асосида тузилаётган шартномалар эса ҳар бир ходимнинг меҳнат шароити, ҳақ-хуқуқлари ва моддий манфаатларини таъминлашда муҳим механизм бўлмоқда. Биз, касаба уюшмаси масъуллари ана шу шартномалардаги ҳар бир банд амалиётга татбиқ этилишини қатъий назорат қилишимиз лозим ва шундай қилаямиз ҳам.

Беш йил мобайнида етмишдан ортиқ жамоавий саёҳат уюштирдик. Хусусан, Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятларига уюштирилган ҳар бир саёҳат ходимларнинг маънавий дунёсини янада бойитишга хизмат қилмоқда.

Сарҳисоб даврида, шунингдек, оммавий тадбирлар, концерт дастурлари ва учрашувларга алоҳида аҳамият қаратдик. Чунки бундай йиғинлар жамоа руҳини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Одамлар бир-бирини яхшироқ тушунишади, бир-бирига қўмаклашини ўрганишади. Ишда ҳамкорлик руҳи кучаяди. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқаришда самарадорлиқни оширади.

Айниқса, «Аёллар дафтари» доирасида амалга оширилаётган ишлар мени жуда руҳлантиради. Сизнинг озгина ёрдамингиз бировнинг мушкуллини осонлаштиради, кўнглингиз равшан тортади. Фаолиятим давомида туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда 7 та маҳаллада 684 нафар аёлнинг бандлигини таъминладик. Ёрдамга муҳтож опа-сингилларимиз муаммосига оиласи учун мадад, фарзандлари учун тиргак деган қараш билан ёндашдик. Чунки жамият барқарорлиги хотин-қизларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига бевосита боғлиқ.

Албатта, ёшларни рағбатлантириш ва ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида ҳам диққатга молик ишларимиз бор. Беш йил давомида 1 минг 900 марта «Маънавият соати», 400 дан ортиқ ўқув-семинар ва давра суҳбатлари ташкил қилганимиз сўзимизнинг тасдиғидир. Ушбу тадбирлар ватанпарварлик, миллий қадриятлар, оилавий аъёналарни тарғиб қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ҳар қандай йилда мен, аввало, одамларнинг кўзига боқаман. Кимдир умид, кимдадир ташвиш, кимдир қувонччи, жумладан, ишончини қўраман. Демак, уларнинг ишончини оқлашим зарур. Зеро, касаба уюшмаси раиси бўлиш бу фақат лавозим эмас, аксинча, ҳар куни одамлар учун яшаш демакдир. Уларнинг дарди сенинг дардинг, хурсандчилиги сенинг байраминг бўлиши даркор.

Асомиддин МАМАЮСУПОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат
хизмати ходимлари касаба
уюшмаси Шеробод тумани
кенгаши раиси



Саратон. Жазирама авжига чиққан кунларда Зангиота тумани маҳаллаларидаги баъзи хонадонлар олдида тўпланиб ётган чиқиндиларни кўриб, «Чиқинди ташувчи корхоналар ўз вазифасини тўлиқ бажараяптими?», деган савол пайдо бўлди. Қолаверса, чиқиндидан қарздорлик бўлса, электрга тўлов тақиқланиши тизими жорий этилаётгани аҳоли ўртасида турли эътирозларни уйғота бошлади. Аҳоли-чи, чиқинди учун тўловларни ўз вақтида тўлаяптими? Чиқинди ташлаш қондаларига риоя қиляптими? Шу каби саволлар билан туман маҳаллаларини айландик.

«БУ ЖОЙГА АТАЙЛАБ
ТАШЛАБ КЕТИШАДИ»

Зангиота зиёратгоҳи яқинидаги «Гулзор» маҳалласида катта йўл ёқасида тўпланиб ётган чиқиндилар эътиборимизни тортиди. — Кўрганингиздек, яқинимизда Зангиота зиёратгоҳи бор, — дейди шу маҳаллада яшовчи фуқаро Руқия Қўшаева. — У ерга кўплаб зиёратчилар келишади. Атроф тоза сақланиши шарт. Одамлар кечаси зиёратгоҳ атрофи ва йўл четига атайин чиқиндилар ташлаб кетишади. Шундай қилса, чиқиндиларни олишга мажбур бўлишади, деб ўйлашса керак-да. Орқа томонимизда кўпқаватли уйлар бор. У ерда чиқинди тўп-

ланадиган жой йўқ. Умумий шохобча бироз узоқда жойлашган. Шунинг учун улар ҳам йўл ёқасига олиб чиқишади. Бир неча марта расмларга, видеоларга олиб, тегишли жойларга хабар қилиб, чиқиндининг олиб кетилишига эришдик. Нима учун ҳар сафар шундай қилишимиз керак?

«ТАДБИРКОРЛАРГА
ЕНГИЛЛИК БЕРИШ КЕРАК»

«Боғзор» маҳалласига кириб бордик. Маҳалла раиси Александр Шаповалов бизни очиқ чехра билан кутиб олди. — Маҳалланинг телеграм гуруҳида асосан иккита савол беришади, — дейди у. — Биринчи — «Бола пули қачон тушади?», иккинчиси эса «Мусор машина қачон келади?». Чиқиндиларни олиб кетиш, ҳақиқатан ҳам, муаммо. Зангиота тумани «Тоза ҳудуд» ДУК билан оммавий шартнома тузилган. Ҳар сафар масъуллар техника етишмаётганини айтишади. Уларда ҳозир бор-йўғи 4 та чиқинди ташийдиган машина ишлаб турибди, шу сабабли улгуришмаяпти. Яхши хизмат кўрсатилмаётгани етмагандай, аҳолининг нореал қарздорликлари ҳам бор. Одамлар кўрсатилмаган хизмат учун пул тўлашни истамаяпти. Бу қарздорликларни масъуллар ўтириб, қайта ҳисоб-китоб қилишсин. Ана шундан кейин чиқиндини олиб чиқиш масаласини электр энергиясидан қарздорликка боғлашсин.

Яна бир гап. Аҳоли орасида чиқинди ташвиш хизматини кўрсатмоқчи бўлган бир неча тадбиркор бор. Уларнинг техникалари

■ ОДАМЛАР ОРАСИДА

«МУСОР»
МОШИНА НЕГА КЕЛМАЯПТИ?

ЧИҚИНДИ ТАШИШДАГИ МУАММОЛАР ЕЧИМИ ҲАҚИДА

етарли. Бироқ хизмат кўрсатиш учун аукционда ютиб чиқиш керак экан. Бизнингча, бундай тиғиз вазиятда хизмат кўрсатиш истагини билдирган тадбиркорларга осонроқ бирор чора ўйлаб топишса, яхши бўларди. Кўйиб беришсин, улар ҳам халққа хизмат кўрсатсин. Шунда чиқиндилар ўз вақтида олиб чиқилган ва атроф тоза-озода сақланган бўларди.

«4-5 ЙИЛДАН БУЁН ЧИҚИНДИГА ПУЛ
ТЎЛАМАЙДИГАНЛАР БОР»

Биз чиқиндиларнинг ўз вақтида олиб кетилмаслиги сабаблари ва ҳосил бўлган нореал қарздорликлар борасидаги саволлар билан Зангиота тумани «Тоза ҳудуд» ДУК масъулларига юзландик.

— Тумандаги жами 73 та маҳалланинг 47 тасига ташкилот томонидан хизмат кўрсатилади, маҳаллалар билан оммавий шартномалар тузилган, — дейди Абонентлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Иззатилла Азизхўжаев. — Бироқ техника етишмаслиги сабабли уларнинг 24 таси билан шартномани бекор қилганмиз. Шунинг учун айни пайтда 23 тасига хизмат кўрсатилаяпти. Очиги, чиқиндиларни олиб чиқиш кетиш учун мавжуд 4 та техника билан шартнома тузилган маҳаллаларга бориб улгурмаямиз. Яқин кунларда яна 11 та техника олиб келиниши режалаштирилган. Ана шунда бу муаммо бартараф этилади.

Ҳозир турли сабабларга кўра ҳосил бўлган нореал қарздорликлар бўйича ҳар бир маҳалла раиси билан биргаликда қайта ҳисоб-китоб ишлари олиб бориляпти. 1 августдан бошлаб, электр тўлови чиқиндидан пайдо бўлган қарздорликка боғланиши ортидан келиб чиқиши мумкин бўлган ҳақли эътирозларнинг олдини олиш учун ходимларимиз тиним билмай ишлашяпти.

Шу ўринда аҳолидан ҳам илтимосимиз бор. Биринчидан, маиший чиқиндиларни тўплашга эътиборли бўлишсин. Шартномага кўра, йирик габаритли ва қурилиш-таъмирлаш ишларидан, чорвачилик, шунингдек, агротехник ишлардан ҳосил бўлган чиқиндилар истеъмолчининг алоҳида буюртманомаси ва тўлови асосида олиб чиқи-

лиши керак. Шунинг учун уйлари атрофига фақат белгиланган чиқиндиларни олиб чиқишса, мақсадга мувофиқ бўларди. Иккинчидан, чиқиндилар учун ҳатто 4-5 йиллаб пул тўламайдиган оилалар бор. Улар тунлари чиқинди тўпланадиган жойларга, йўл ёқаларига чиқинди ташлаб кетишади. Ушлар ўз оиласидан чиққан чиқинтлар учун пул тўлаб, белгиланган жойларга ташлашларини сўраймиз. Учинчидан эса, одамлар ўзларининг мулки бўлган кўп квартиралари ва яқка тартибдаги уйларда рўйхатда турган, вақтинчалик рўйхатда турган, истикомат қилувчи шахслар сони ўзгаргани тўғрисида ўз вақтида хабардор қилишсин.

АВВАЛ КАМЧИЛИКЛАР
БАРТАРАФ ЭТИЛИШИ ШАРТ

Хулоса қиладиган бўлсак, чиқиндилар борасида аҳолида бироз маданият етишмаслиги бор гап. Акс ҳолда, чиқинди учун йиллаб пул тўламаслик, олиб кетишга мажбур бўлишди, дея шундоқина катта йўл ёқасига ташлаб кетиш ҳолатлари урчимасди. Шунингдек, масъуллар ҳам, аввало, чиқинди ташиш хизматини яхшилашни қатъий назоратга олмасдан, нореал қарздорликларни бартараф қилмай туриб, чиқиндини электр тизимига боғлаш масаласини яна бир ўйлаб кўришса, айни мудида бўларди. Чунки камчиликларни бартараф қилиш шарт, акс ҳолда, кўплаб чалкашликлар юзага келади, мурожаатлар ортади. Бундай кўр-кўрона жорий этилган тартибдан халқ жабр кўриши аниқ.

Яна бир муаммо шундаки, чиқинди ташлашда аҳолига хизмат кўрсатишни истовчи, зарур техникаси етарли тадбиркорлар кўп. Улар хизмат кўрсатиши учун аукционда қатнашиши ва шартларини бажариш — ортиқча вақт сарфлаш ва асаббўзарликдан бошқа нарсаси эмас. «На у ёқлик ва на бу ёқлик» бўлган мавҳум нарсани кутиб ўтиргандан кўра, тадбиркор бошқа бир манфаатлироқ иш қилади. Демак, ушбу тартибни соддалаштириш чораларини ҳам қўриш зарур.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»



■ ДОЛЗАРБ МАВЗУ

тардан ортиқ бепоён яйловларда изғиб, эти-этига ёпишмоқда.

— Туманимизда 111 минг бош қорамол бор (шундан 41 минг 826 таси сизир), 423 мингдан ортиғи қўй-эчки, — дейди туман Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими мутахассиси Шерзод Эшхолов. — Фермер хўжаликлари эса 1 минг 385 бош қорамолга, 65 минг бошдан ортиқ қўй-эчкига эга. Фермерлар-ку, ўз тасарруфида ер майдони борлиги боис чорвасини сақлаб қолиши мумкин, аммо аҳолининг мол боқишдан тобора кўнгли совиб, бу ишдан воз кечаётганига нима дейсиз?

— Битта сизиримиз бор. Уни томорқамиздаги ўт-ўлан билан 6 ой бир амаллаб боқамиз, — дейди фуқаро Х.Эгамов. — Жонивор камида 180 кун қўлга қарайди. У кунига бир ўрам прессланган сомон еганда ҳам бир ойлик харажати 3 миллион сўмдан ошиб кетади. Энди унга бошқа озуқа маҳсулотларини қўшиб, чиқимни чамалаб олаверинг. Мол боқишнинг уудасидан чиқолмаётганлар бир қошиқ сутта зор бўлиб ўтиришибди.

Туманда тайёёрланаётган гўштнинг 96 фоизи хонадонлар эгалари боқаётган қорамоллар ҳиссасига тўғри келяпти. Қарийб 20 минг гектар ерга эга фермер хўжаликларининг

улуши эса атиги 4 фоиз. Бас, шундай экан, тегишли хулосани ўзингиз чиқариб олаверинг...

БАҒРИНГНИ ОЧ, ОЧАБУЛОҚ

Давлатимиз раҳбари Самарқанд вилоятига таширфларининг бирида мутасаддиларга сел сувларини тўплайдиган Оқтепасой сув омборини барпо этиш топшириғини берган эди. Орадан анча вақт ўтди, бироқ ўша муҳим иншоотдан ҳамон дарак йўқ.

— Президентимиз ҳудуд жуғрофиясини яхши билгани, мавжуд имкониятларни пайкагани учун узоқни кўзлаб, масъуллар зиммасига ушбу вазифани юклаган эди, — дейди меҳнат фахрийси Камолитдин Саидов. — Тоғ ва адирлардан оқиб келадиған сувларнинг асосий қисми бир жойда жамланиб, Оқтепасой орқали оқиб ўтади. Агар омбор қурилса, мушкуллимиз арийди.

Хуллас, қизил тоифадан ашил тоифа сари интилаётган қўшработлиқларга бугун ёрдам керак. Қўроқчилик туфайли азият чекаётган деҳқон ҳамда чорвадорлар жўяли маслаҳат ва қўлловга муҳтож.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»



Халқимиз орасида бир аския юради: «Бир ташкилотга маълумотнома сўраб борсанг, аввало сен аслида сен эканлигининг тасдиқловчи ҳужжат сўрашди (қўлингдаги шахсни тасдиқловчи ҳужжат ҳеч нарсани ҳал қилмайди). 1. Тўртта қўшнига имзо чектириб, далолатнома тузиш. 2. Маҳалла идорасидан маълумотнома. 3. Ота-онанг (тирик бўлса) ростдан ҳам сенинг ота-онангми? 4. Ма-бодо вафот этишган бўлса, гўрковдан маълумотнома (ҳақиқатан ҳам вафот этишгани ҳақида). 5. Онангнинг қорнида пайдо бўлишингдан аввал ҳужжатда кўрсатилган инсонлар ростдан ҳам айнан сенинг ота-онанг эканлиги аниқми? Шу ҳақда ҳам маълумотнома...».

Бу аския эмас, аслида аччиқ ҳақиқат эканлиги сўнгги пайтларда ўз исботини топмоқда. Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун айрим далилларни келтирамиз.

Биринчи воқеа: Назира шахсини тасдиқловчи ҳужжатининг амал қилиш муддати тугаб, паспортини алмаштириш мақсадида Паспорт столига борди. Масъул ходимга учрашиб, мақсадини айтди. Ходим унинг қўлидан паспорти-ни олиб, компьютердан нималарни-дир излай бошлади.

– Вой, кеннойи, сиз паспортингизни ўзгартиролмайсиз, чунки ўлгансиз, – деди кўзини лўқ қилиб.

Назиранинг тили гапга айланмай, оёғи остидан ер қочди. Зўр-базўр ўзини қўлга олди.

– Йигитча, гапингизни ўйлаб гапи-ринг, – деди у. – Мен ўлганим йўқ, қар-шингизда турибман-ку.

– Мана, кўринг, кеннойи, 2013 йил, 22 апрель кўни ўлгансиз. Ўлимин-гиз соат 12.30 да қайд этилган, – деди масъул ходим пинагини бузмай.

– Ҳой, барака топкур, кўлингиздаги паспортга қаранг, – деди Назира ғаза-бини жиловлаб. – Суратдаги менми? Энди доимий тураржойимга қаранг. Аниқ-тиник манзилим кўрсатилган. Ай-нан ўша ерда 2002 йилдан бери яшай-ман. Аллоҳга шукр, тирикман. Ҳали вери ўлиш ниятим ҳам йўқ.

– Ҳа, кўряпман. Худди шу манзилда яшовчи фуқаро Солиева Назира Со-диковна (*исм-шарифлар ўзгартрил-ган*), – йигит электрон ҳужжатни бош-қатдан ўқиб бера бошлади. – ... 12.30 да қайд этилган...

– Хўш, энди нима қилишим керак? – сўради Назира узоқ тортишувдан сўнг. – Худудингиздаги оилавий поликли-никага борасиз, – деди масъул ходим. – Бу уларнинг айби. Электрон ҳужжатга сизни киритишмаган...

Яна нимадир дейишга аёлнинг тили айланмади. «Тавба-тавба!», деди-ю терс ўгирилиб кетди. Паспорт столидан чиқиб, тўғри оилавий поликлиникага йўл олди.

Воқеадан хабар топган бош шифо-кор ўрнидан туролмай қолди. Тезда ҳужжатларни текшира бошлади. Ҳам-маси жойида, электрон ҳужжатга ки-

ритилган. Ҳеч қаерда фуқаронинг ўл-ганлигини тасдиқловчи ҳужжат қайд этилмаган. Буларнинг ҳеч қандай айби йўқ.

– Нима дейишни ҳам билмайсан киши, – деди у Назирага ачиниб на-зари билан қараб. – Шунча йиллик иш фаолиятимда бундай бедодликка биринчи марта дуч келишим. Астаф-фириллоҳ! Энди, сизга маслаҳатим шу манзилда 2002 йилдан буюн яша-шингиз ҳақида маҳалладан маълу-мотнома олмасиз ҳамда далолатнома тўлдириб, тўртта қўшнига имзо че-ктирасиз. Кейин шу ҳужжатлар билан яна Паспорт столига борсангиз, Худо хоҳласа, ишингиз битади, деган умид-даман.

Назира бош шифокорнинг айтганини қилди. Керакли ҳужжатларни ймғиди. Эр-тага яна Паспорт столига бораман, деб турганида, ҳамма гапдан хабар топган қўшниси:

– Бунинг ҳаммаси сафсата. Барибир ишингиз битмайди (бундай машмаша у шўрликнинг ҳам бошига тушган чоғи), – деди.

– Нима қилишим керак унда? – сўради Назира бошини қаерга уришини билмай.

– ОВИРга бориш керак, – деди қўш-ниси. – Фақатгина ўша ерда ишингиз битиши мумкин.

«Жияним Рустам ўша ерда ишлай-ди-ку», ёдига тушди аёлнинг. Дарҳол унга кўнғироқ қилиб, вазиятни тушунтирди. Жиян ҳоласининг арз-додини тинглаб, бир соат вақт беришини сўради.

– Холажоним, сиз ўша йили ва ай-нан ўша санада Наманган шаҳрида ва-фот этибсиз, – деди Рустам ҳоласига кўнғироқ қилиб. – Хавотир олманг. Тош-кентда ҳали тириксиз. Бир умрга аския бўладиган бўлдингиз-да, хола. Аммо хавотирга ўрин йўқ. Мен ҳаммасини тўғрилаб қўйдим. Эртага Паспорт сто-лига бориб, паспортингизни бемалол ўзгартириб келаверинг...

Назира шунча йил яшаб Наманган билан Тошкент вилояти битта эканли-гини энди билибди. Уни-буни қўйинг, у қанчалар асабийлашиб, соғлиғини йўқотиб, тирик эканлигини исботтол-май юргани учун маънавий зарарни ким

қоплайди энди?

Наҳотки, ЎЛИМ ҲАҚИДА ГУВОҲ-НОМА билан ШАХСНИ ТАСДИҚЛОВЧИ ҲУЖЖАТнинг фарқи бўлмаса?!

Дугонам пенсия ёшига етиб, ҳужжат-ларини расмийлаштириш жараёнида тўрт нафар фарзанди электрон ҳуж-жатларда иккита бўлиб қолгани, икки-таси эса базага киритилмагани ҳақида айтиб берганди. Бошқа бирининг эса, икки фарзанди базага уч нафар қилиб киритилган экан. У шўрлик фарзанд-лари иккиталигини исботлолмай, ой-лар давомида идорама-идора югуради. Охир-оқибат керакли порталларга му-рожаат қилиб, ишини ҳал қилади. Бу воқеаларни эшитиб, ўзимча «Шунақаси ҳам бўларканми?» дея ҳайрон қолган-дим. Бўларкан, ҳатто ундан ҳам бат-тари бўлар экан.

Иккинчи воқеа: Фариза пенсия-га чиқганини расмийлаштириш мақ-садида Пенсия жамғармасига борди. Масъул ходим ҳужжатларини қўлидан олиб компьютердан электрон нуха-сини солиштира бошлади.

– Фариза опа, фарзандларин-гиз нечта? – сўради ходим худди эски танишлардек мулозамат билан.

– Иккита, – жавоб берди аёл ҳайрон бўлиб.

– Бу ерда битта-ку, – деди йигит жил-майиб. – Алимов Даврон. 1992 йил.

– Иккинчиси ҳам бор: Фармонов Умар. 1994 йилда туғилган, – жавоб берди аёл. – Лекин улар икки хил фами-лияда бўлиб қолишган. Бизнинг даврда туғилганлик ҳақида гувоҳномани қайно-налар олиб келишарди. Каттамга қай-нотамнинг исми фамилия қилиб берил-ган. Кичинам бизнинг фамилиямизда бўлиб қолган...

– Олажон, бу катта муаммо эмас.

Ҳозир мен ҳужжатларингизни олиб қо-ламан. Сиз эса базага киритилмаган ўғлингизнинг туғилганлик ҳақидаги гу-воҳномасини олиб, тезда фарзандла-рингиз рўйхатга олинган туман ФХДЁ органига бориб, базага киритинг-да, ва шу захотиёёк менга кўнғироқ қилиб, ай-тиб қўйинг, – деди ходим мулоимлик билан. – Ҳамма ҳужжатларингиз жойи-да. Бугуннинг ўзидаёқ ишингиз битади. Кечгача мен сизнинг ҳужжатларингизни расмийлаштираман.

Фариза ортиқча вақт йўқотмаслик учун такси чақириб уйига жўнади. Шо-шинлиқда ўғлининг туғилганлик ҳақи-даги гувоҳномасини тополмай, нух-асини олиб «ФХДЁ қайдасан?» дея йўлга тушди.

ФХДЁ идорасига бориб вазиятни ту-шунтирди. Ходима унинг қўлидан ҳуж-жати олиб архивга кириб кетди. Бир

АЖАБО!

маҳал бир қўлида қайд дафтари, иккин-чисида гувоҳноманинг нухаси билан хонага кириб келди.

– Сиз мен билан юринг, – деди Фаризага жиддий боқиб.

Аёл ҳайрон бўлиб, унинг ортидан эр-гашди. Икковлон бошлиқнинг хонасига киришди. Ходима бошлиқнинг олдига бориб, аввал қайд дафтарини, кейин гу-воҳнома нухасини кўрсатди.

– Тушунмадим. Бу нима? – сўради бошлиқ энсаси қотиб.

– Бу опанинг ўғиллари қайд дафта-рида Алимов, – деди ходима. – Ҳуж-жатда эса Фармонов.

– Ўғлингизнинг гувоҳномасини ким олиб кетган? – сўради бошлиқ аёлга қа-раб. – Ҳа, мана отаси имзо қўйган экан. Уша пайтда қаёққа қарабди у?..

– Бизнинг даврда қайноналар оларди гувоҳномани. Қайнонам раҳ-матли қаёққа қараганлар билмадиму, лекин ФХДЁ идорасининг масъул хо-дими қаёққа қараган экан? Менга шу-ниси қизиқ, – деди Фариза росмана жаҳли чиқиб. – Эсимда, қайнонам «Гу-воҳнома ёзаётган аёл чалғиб, Али-мовни ўрнига Фармонов деб ёзиб қўйди. Кейинроқ келсангиз, ўзгари-тириб бераман, деди», деган эдилар. Лекин воқеа бундай тус олганини айтмаганди-лар.

– Ўғлингиз паспорт олганми? – сўради бошлиқ аёлдан

– Ўғлим 31 ёшга кирди, – деди аёл энсаси қотиб. – Нима деб ўйлайсиз?

Бу жавобдан кейин бошлиқ анча му-лойимлашди.

– Уйланганми? – яна сўради бошлиқ.

– Йўқ ҳали, – терс жавоб берди аёл.

Шунинг ичида бошқа ходима бир эр-какни бошлаб кирди. Унинг ҳам бир қў-лида сарғайиб кетган қайд дафтари, бир қўлида паспорт.

Бошлиқ ходимага ўқрайиб қаради.

– Сизга нима керак? – деди жаҳл би-лан.

– Буларда ҳам шу муаммо, – деди ходима. – Пенсия расмийлаштиргани борсалар, фамилияларида битта ҳарф нотўғри ёзилган – қайд дафтариди Фахрутдинов, паспортда эса Фахритди-нов экан.

– Ташқарида кутиб туринглар. Бу ки-шнинг ишини ҳал қилиб олайлик, – деди бошлиқ компьютердан кўзини узмай.

– Сизни сарсон қилмаслик учун ҳо-зир ўғлингизни базага киритиб қўямиз, – деди бошлиқ Фаризага ҳушумомала-лик билан. – Лекин ўғлингиз гувоҳнома-нинг аслини олиб келиб, албатта ўзгар-тириб кетсин. Эсингиздан чиқмасин-а...

Фариза бўлаётган ишлардан «шок»ка тушди. «Тавба, шунақаси ҳам бўларканми?! Ўғлим 31 йил ўзига те-гишли бўлмаган фамилияда юрса-я. Бундан чикди, у шахсини тасдиқловчи сохта ҳужжат билан юрибдимми?!», дея кун бўйи ўзи билан ўзи гаплашди.

Шунча йил давомида одамлардан нима гаплар эшитмади. «Нега ўғил-ларингизнинг фамилияси ҳар хил?», «Бошқа-бошқа отаданми?». Мактабда ўқитувчилар ўғилларидан «Сизлар амакиваччамисизлар?», «Нимага фа-милиянгиз ҳар хил?..» деб сўрашарди.

Хаётда бунақа воқеалар кўп учрайди. Уларни айтиб, қуйишни ҳам, қулишни ҳам билмайсан киши. Энди ўз-ўзидан ҳақли саволлар туғилади: мамлакат фуқаросининг ҳаётида муҳим роль ўй-найдиган ҳужжатлар борасида тегишли муассасаларнинг шундай қўпол хато қи-лишга ҳақлари борми? Ишига масъули-ятсизларча ёндашадиган ходимларни жазосиз қолдириш тўғрими? Жабр кўр-ганларга бундай қўпол хатоларнинг ҳу-нини ким тўлайди? Ўқиган эмас, уққан бўлсин, деганларида, балки давлат муассасаларига ҳақиқий илмли-билим-лиларни минг чиғирикдан ўтказиб ишга олиш керакдир?

Саволлар кўп, жавоблар йўқ. А, лаб-бай?!.

Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА
«ISHONCH»



САЛОМАТЛИК

ТИББИЙ САВОДСИЗЛИК – КЎРИНМАС ХАСТАЛИК

Тиббий саводсизлик – аломати сезилмайдиган, аммо кишини огир аҳволга соладиган кўрин-мас дард. Саломатлик борасида билимсизлик фақат шахсий муаммо эмас. Бу жамият, соғлиқни сақлаш тизими, иқтисодиёт ва давлат ресурсла-рига ҳам салбий таъсир кўрсатувчи омилдир. Афсуски, аксарият юртдошларимиз шифокорга мурожаат қилишни сўнгги чора, деб билишади. Оғриқ тоқат қилиб бўлмас даражага етгандагина ёрдам излашади.

Хўш, тиббий саводсизлик қандай намоён бўлади? Унинг асосий кўриниши ўзбошимча-лик билан ташхис қўйиш ва даволаниш. Қўп хол-ларда одамлар мутахассис кўригисиз ўз билган-ларича касаллик билан курашишга киришадилар. Интернетдаги маълумотларга таянадилар (белим оғрийди – демак, буйракда тош бор) илгари қабул қилган дори воситаларини қайта ичадилар. Қўшни, қариндош ёки тиббий маълумоти бўлмаган шах-сларнинг маслаҳатига, халқ табобатига мурожаат қиладилар: «пешоб билан даволаниш», «дамлама ичиш», «няят қилиш» каби. Мисол учун, ўтган йили Шофиркон туманида юрак қисиши билан шифо-хонага мурожаат қилган аёл уч кун уй шароитида асал, лимон ва саримсоқ дамламаси ичгани маъ-лум бўлди. Аслида у миокард инфарктини бошдан кечираётган бўлган. Вақт йўқотилиб, ҳолати оғир-лашган...

Шунингдек, кўпчилик профилактикага эътибор-сиз бўлишади. «Оғримаётган бўлсам, врач қабули нега керак?» деб ўйлайди. Аммо хасталиклар, жумладан, юрак-қон томир касалликлари, диабет, буйрак етишмовчилиги дастлабки босқичда ҳеч қандай белгисиз кечади. Бу фақат тиббий кўриклар орқали аниқланиши мумкин.

Дориларни нотўғри қабул қилиш, антибио-тикларни врач тавсиясисиз истезмол қилиш, саба-бини аниқламасдан оғриқ қолдирувчи таблеткалар ичиш ҳолатларининг оқибатлари яхшиликка олиб келмайди. Натижада аллергия шок, дори резис-тентлиги (дорилар таъсирсизлиги), жигар ва буйрак фаолиятининг издан чиқishi кузатилиши мумкин.

Ечим қандай? Аввало, ҳар бир инсон соғлом турмуш тарзи асослари – қон босимини тек-шириш, тўғри овқатланиш, шахсий гигиена, стрессни бошқариш каби кўникмаларни ўрга-ниши керак. Ойда бир марта маҳалларда му-тахассислар иштирокида «Саломатлик кўни» ташкил этилиши зарур. Дориларни фақат рецепт асосида сотишни татбиқ этиш лозим.

Шунингдек, оммавий ахборот воситаларида мутахассислар чиқишларини кўпайтириш, ТВ, ра-дио, интернет каналларида тиббий масалаларни фақат мутахассислар шарҳлаши мумкин. Сохта «табиб»лар ва машхурликка интилувчи блогерлар-нинг нотўғри маслаҳатлари жамият учун хавфли-дир.

Тиббий саводсизликка қарши кураш бу фақат соғлиқни сақлаш тизимининг вазифаси эмас. У ота-оналар, ўқитувчилар, маҳалла фаоллари, ди-ний уламолар, журналистлар ва шифокорлар ҳам-жихатликда амалга оширадиган вазифадир. Бу бо-рада етарли билимга эга бўлган одам нафақат ўзи, балки оиласини, жамиятни ҳам хасталиклардан асрайди.

Шаҳзод ҲАМИДОВ,
Шофиркон тумани тиббиёт бирлашмаси
кардиология бўлими фельдшери,
Осиё халқлар университети
талабаси

Мароқли
дам олинг,
азиз газетхон!



Насиба Абдуллаева
ижросида

«ХАЁЛ»
қўшуғу

Зор этиб қўйдинг, хаёл,
Бедор этиб қўйдинг, хаёл,
Севги дардига мени
Дучор этиб қўйдинг, хаёл.

MUASSIS:  2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.	«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati: Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие») Bosh muharrir Husan ERMATOV	Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43 Marketing va obuna – (71) 256-87-83 Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20 Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23 Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31 Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12 Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34 Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66 Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70 Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44 Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93	Navbatchi muharrir: Salim ABDURAHMONOV Musahhihlar: Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umida XUDOYBERGANOVA Sahifalovchi: Hasan ABDULLALIOV Bosishga topshirish vaqti – 23:50 Topshirildi – 00:20 Bahosi kelishilgan narxda Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.	Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch 1991@yandex.uz Nashr ko'rsatkichi: 133 Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.	Umumiy adadi 32 083 ta Shundan: 6 086 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 18 116 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 7 811 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-711 1 2 3 4 5 6
--	---	---	--	---	--